

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 11

Шахрихон тумани

«10» май 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «**Буюртмачи**» деб аталувчи Шахрихон тумани Мактабгача Таълим булими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи мудираси М.мамажонов ва «**Пудратчи**» деб аталувчи «**Исмоилжон Курилиш Ривож**» МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари У.Исмоилов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «**Пудратчи**» мазкур шартнома шартларига мувофик «**Буюртмачи**»нинг 11 МТТга иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «**Буюртмачи**» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қийматига асосан жорий нархларда **37520000 (Уттиз етти миллион беш юз йнгирма минг сум)** сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг _____ банк иш кунида «**Буюртмачи**» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни **10716000 (Ун миллион етти юз йнгирма минг сум)** сўмни туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «**Пудратчи**»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун туловларнинг қолган 70 фоизи, яъни **25004000 (Йнгирма беш миллион тўрт минг сум)** сўминини «**Пудратчи**» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «**Буюртмачи**» охириги туловни «**Пудратчи**» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида _____ банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун туловлар «**Буюртмачи**» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «**Пудратчи**»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «**Буюртмачи**»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тулов жадвалига мувофик биринчи аванс тулови амалга оширилгандан бошлаб 5 кун муддат ичида ишларни

бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 5 (беш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «**Буюртмачи**»га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб усқуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига

бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ҲАМ ҚИЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

« МЧЖ »

«Исмолижон қурилиш Ривож» МЧЖ

Манзили: Шахрихон туман калача мфй

х/р: 20208000905067705001

«Хамкорбанк» шахрихон туман филиали,
МФО: 00039 СТИР: 306363819

Шахрихон туман мактабгача таълим бўлими
Манзил: Шахрихон тумани Мусажалил кўчаси

Ш.х/в: 100022860032307091100251024

Стир: 305156363 МФО:00014
ОКОНХ: 92400

Газначилик бўлими номи: Молия
Вазирлиги газначилиги ягона газначилиш
х/р 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ
МФО: 00014, СТИР 201122919

Раҳбар:

О.Мамажонов

Раҳбар:

М.Мамажон

М.У



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA

№ SH51735785

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

PUDRAT SHARTNOMASI

«Buyurtmachi» deb ataluvchi Shaxrixon tumani Maktabgacha Talim bulimi va uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi mudirasi M.Mamajonova bir tomondan va «Pudratchi» deb ataluvchi «Ismoiljon Kurilish Rivoji» MChJ va uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi raxbari U.Ismoilov ikkinchi tomondan kelishuv asosida amaldagi qonunlarga muvofiq, 11 MTTga isitish tizimini joriy ta'mirlash ishlarini bajarib berish shartnoma loyxasi yuzasidan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Shaxrixon tuman Maktabgacha Talim bo'limi tomonidan 06.05.2022 yilda shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuristkonsulti



X.Ulugbekov
2022 yil "10"may